



Бойкот нега “бойкот” дейилади? Сиёсий бош тортиш тарихини эсга оламиз



Бойкотнинг «тугилиши»

Бугун кўпчилик бойкот сўзидан фойдаланади. Бойкот – сиёсий ва иктисодий курашнинг бир шакли, айрим шахс, ташкилот, корхона билан муносабатларни тўлик ёки қисман тўхтатиш, масалан ишга ёлланиш, шу корхона махсулотини харид қилишдан воз кечишдир. Демак, бойкот бу иктисодий чеклов чораларидан бири экан. Биз бу атаманинг маъносини тушуниб олдик, келинг энди унинг тарихини ўрганиб чиқамиз.

Бойкот – XIX асрда яшаган инглиз мулкдорларидан бирининг исми.

Нафакага чикканидан сўнг инглиз армияси капитани Чарльз Каннингем Бойкот ўзининг Ирландиядаги мулкини бошқаришга киришди. 1880 йилда хосилнинг яхши бўлмагани ва бунинг ортидан собик капитаннинг ерида ишловчиларнинг ахволи оғирлашиб қолганига қарамай, у ижарачилардан ўзига тегишли бўлган пулни дархол тўлашни талаб қилди, ақс холда барча мол-мулкларни дехконлардан тортиб олиш билан уларни кўрқитди. Орадан кўп вақт ўтмай ҳеч қандай муроасага келинмагач, ижарачилар ўз участкаларидан хайдаб чиқарилди. Лекин бунга жавобан улар хавас қилса арзигулик бирдамлик кўрсатдилар.

11 ноябрда хайдаб чиқарилган дехконлар бир овоздан норозилик акциясини бошлайди, унинг мохиятини ва шартларини норозилик харакати иштирокчиларидан бири Чарльз Парнел шундай тавсифлайди: «Кимда ким дехконлар чиқариб юборилган хуудларни ижарага олса, у билан бир жойда – катта йўлда, шаҳар кўчаларида, дўконда, ярмаркада, бозорда ва хатто ибодатхонада ҳам – учрашиб қилишдан қочишга харакат қилинг. Уни

каттик ёлгизликка махкум этиш оркали сиз унга килган жинояти сизни кандай газаблантираётгани ва ундан жирканишга ундаётганини кўрсатишингиз керак. Бутун Ирландия бўйлаб оддий ахоли ушбу тизимга амал килса, сиз ўз яшаш худудингизда жамоатчилик фикрига зид келадиган ва сизнинг ахлоқ кодексингизни бузадиган қарорлар қабул қиладиган, ўз манфаатлари билан маст бўлган одамларнинг йўқлигини таъминлайсиз!»

Ушбу кампаниянинг биринчи қурбони Чарльз Бойкот бўлди. Килган иши ортидан унинг оиласи кўшнларидан бутунлай ажралиб, ўзи эса аянчли кашшокликка тушиб қолди. Ушбу муваффақиятсиз капитаннинг фамилияси машхур атамага айланди, «бойкот» сўзи эса дунёнинг кўпгина тилларида, шу жумладан, ўзбек тилига ҳам кириб келди.

Чарльз Бойкот ким эди?

Капитан Чарльз Каннингем Бойкот (1832 йил 12 март – 1897 йил 19 июнь) Норфолкда тугилган эди. Ирландияда Чарльз Бойкот Мейо округидаги катта ер эгаси лорд Эрна кўлида бошқарувчи бўлиб ишлади. Дехконларга нисбатан килган ноҳақ ҳаракатлари унинг ўз номи билан юритилувчи ҳаракатнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Кўшнлар у билан гаплашишни тўхтатди, дўконлар унга хизмат қилишдан бош тортди, ҳатто черковда одамлар унинг ёнида ўтирмасдан ва у билан гаплашмасдан қўйишди. Бойкотга қарши кампания инглиз матбуотида ҳам ўз сакс-садосини топди, марказий газеталар гарбий Ирландияга мухбирларини юборди. Капитан ушбу кампаниянинг биринчи қурбонига айланди – кашшокликка тушиб, 1886 йил 1 декабрда Ирландияни тарк этди.

Бугунги куннинг «бойкот»и нима?

New York Tribune мухбири Жеймс Редпат биринчи бўлиб халқаро матбуотда бойкот ҳақида ёзган эди. Атама The Times томонидан 1880 йил ноябрда уюшган ҳаракат маъносини англатувчи атама сифатида ишлатилди. (Stanford, Jane, That Irishman: the Life and Times of John O'Connor Power, pp. 95–97.).

«Бойкот» атамаси бугунги кунда қандай маънода қўлланилади? Бойкот сиёсий ва иқтисодий қураш шакли бўлиб, бирон бир шахс, ташкилот, қорхона билан алоқаларни тўлиқ ёки қисман бекор қилишни, муайян қорхона маҳсулотларини сотиб олишдан бош тортишни ўз ичига олиши мумкин. «Бойкот» сўзи кенг микёсда мамлакатлараро алоқаларда ҳам кўриниш беради. БМТ низомига биноан халқаро муносабатларда тинчликка раҳна солмасдан (қуролли қучлардан фойдаланмасдан) бойкот амалга ошириш мумкин.

Машхур бойкотлар

Европада дастлабки машхур бойкотлардан бири, «бойкот» сўзи фанга кириб қилишдан олдин XVIII аср охирида Англияда аболиционистик ҳаракат вакиллари томонидан амалга оширилди. Ҳаракат аъзолари қуллар меҳнати оркали ишлаб чиқариладиган ҳар қандай маҳсулотни истеъмол қилишдан бош тортди ва охир-оқибат Лондон дунёсининг катта қисмини шақар билан чой ичишдан бош тортишга қўндиришга муваффақ бўлди (чунки қуллар кўпроқ шақаркамиш плантацияларида оғир меҳнат қилишган). Бу воқеа 1833 йилда Британия империясида қулликни бекор қилинишига катта туртки берди.

“Ислом молияси”дан кўшимча:

Кўриб турганимиздек, бойкот ҳукумат эмас, балки оддий фуқаролар тарафидан амалга оширилиши мумкин бўлган чора экан. Чунки бойкот ҳукуматлар учун жуда жиддий иктисодий сиёсат ҳисобланади ва уни эълон қилиш учун жиддий асос бўлиши керак. Бундай чора кўришдан олдин масалани ҳар томонлама жиддий ўрганиб чиқиш, бунга нисбатан кўрилиши мумкин бўлган эҳтимолий чоралар чуқур таҳлил қилиниши зарур. Чунки ҳар қандай ҳатти-ҳаракатга қарши аксил ҳатти-ҳаракат ҳам бўлиши табиий. Агар масала ҳар томонлама таҳлил асосида ҳал қилинмаса, ўзбекнинг ибораси билан айтганда “Қош қўяман деб қўз чиқариш” ҳам мумкин, яъни қайсидир давлатга/унинг махсулотларига нисбатан қўлланган бойкот, бойкот қўллаган давлатнинг ўзига бевосита ёки билвосита қаттарок сиёсий ёки иктисодий талафот етказиши мумкин (сиёсат ва иктисодиёт бир бирига ҳамбарчас боғлиқ масалалар бўлиб қолганлиги қўпчиликка сир эмас албатта).

Демак, иктисодий чеклов чоралари қўллаш ҳукуматлар учун анча мураккаб ва хатарли масала. Шу билан бирга, шунинг илоҳотида олган ҳолда фуқароларнинг ўзлари ҳам зарурат тугилганда бойкот сингари самарали иктисодий чеклов чораси кўришлари мумкин экан.

Иктисодий чеклов чоралари фақат бойкотдан иборат эмас, балки унинг турларидан биридир. Кейинги мақоламизда яна бир иктисодий чеклов – эмбарго ҳақида сизларга маълумот берамиз.